



*Мамлакатимизда йўл қурилиши соҳасида катта тажриба тўпланган. Пойтахтимизни Фарғона водийсидаги вилоятлар билан боғлайдиган Қамчиқ довони, катта шаҳарларимизда қурилаётган ва қайта таъмирланаётган йўллар фикримизга исбот бўла олади. Кенг, равон, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўчаларни кўриб кишининг дили яйрайди. Бухоро автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ҳам ушбу хайрли ишлардан четда қолаётгани йўқ. Айни пайтда жамоанинг 171 нафар аъзоси Ғиждувон шаҳрида 26 километр масофадаги кўчаларда қайта таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: бош муҳандис Мусо Умаров (ўртада) ишчилар Пирмуҳаммад Сайфуллаев ва Фарҳод Сайфуллаев билан лойиҳадаги юмушлар тўғрисида суҳбатлашмоқда; таъмирланаётган кўчалар.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ФЕРМЕР
## осон йўлни танламади

Болтабой Мадаминов 32 йил доришунос бўлиб ишлади. Одамлар саломатлиги ҳақида қайғурар, турли хил касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини қишлоқ хўжалигида заҳарли пестицид ва минерал ўғитларнинг ҳаддан ташқари кўп миқдорда ишлатилиши билан боғларди. Илгари қишлоқ хўжалигида 50 дан зиёд турли хил оғулар қўлланганлигини ҳам биларди.

Минерал ўғитларнинг йилдан-йилга кўпроқ ишлатилиши маҳсулот сифати, ер унумдорлиги, атроф-муҳитга салбий таъсир этиши кўпчиликка аён. Б. Мадаминов экологик тоза маҳсулот етиштиришни ўзимизда ҳам йўлга қўйиш устида бош қотирарди. Чунки биогумус (биоўғит) ҳақида ўқиган эди. Ёмғир чувалчангини кўпайтириш, унинг ёрдамида биоўғит олиш АҚШда 1938 йилдан бери амалга оширилаётганлиги, уни саноат усулида етиштириш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланганлиги, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида ушбу технология жорий этилганлигини эшитганди. Тажрибалар биоўғит қўллаш натижасида ҳосилдорлик 5-10 марта ошиши, энг муҳими, инсон соғлиғи учун тоза маҳсулот етиштирилиши, ҳатто экин майдонларини қисқартириш мумкинлигини кўрсатганди. Унинг қизиқиши кун сайин орта борганлиги боис 1990 йилда бу тажрибани ўз томорқасида синаб кўришни режалаштирди. Режаларининг рўёбга чиқишида бир-икки йилдан сўнг бехосдан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳарчасида Калифорния чувалчанги сотилиши ҳақидаги хабар туртки бўлди ва у дарҳол 10 минг дона чувалчанг сотиб олди. Уларни томорқасида кўпайтириб, олинадиган биогумусни синовдан ўтказди. Натижада далани ёввойи ўт босмади, экинлар касалликка чалинмади, эрта пишиб етилди, асосийси маҳсулот табиий соф бўлди, ҳосилдорлик ортди. Бу деҳқончилик учун мўъжиза эди.

Янгиликни рўёбга чиқариш осон эмас. Орадан 3 йил ўтиб «Андалип Б.М» номли фермер хўжалиги ташкил этди. 14 гектар экин майдони бор. Ёмғир чувалчангига озуқа бўлсин учун ўз чорвасини ҳам ривожлантирди. Бугунги кунда чувалчанглар сони деярли 100 миллионга етди. Уларни атиги 10 кв. метр ерда боқади. Йилига 15 тонна биогумус етиштиради.

Замондошларимиз

Болтабой ака билан суҳбатлашсангиз, чувалчангни мақтаб кўп гапиради.

— Чет элларда бу янгилик эмас. Бизда ҳам шу тажриба тезроқ амалга оширилса эди, кейин қишлоқ хўжалигидаги юксалишни кўрардингиз, — дейди у. — Минерал ўғитлар йилдан-йилга кўп қўлланганлиги боис еримиз ориқлаб кетган. Уни биогумус билан бойитиш, тўйинтириш керак. Чунки гумус ўсимликлар учун катта озуқа манбаи ҳисобланади. Калифорния чувалчанглари тупроқда гумуснинг шаклланиш жараёнларини 50 мартадан кўпроқ тезлаштиради. Бир тонна биогумус 16 тонна гўнгнинг ўрнини босади. Энди харажатларни ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Эшитишимча, 80-йилда Япония Америкадан, 50 миллиард долларга қизил Калифорния чувалчангини сотиб олган. 5 йилдан сўнг Япония ўз халқини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминлабгина қолмай, чет элларга экспорт қила бошлади. Хорижда бир гектар майдонга 50 кг. минерал ўғит солишга рухсат этилади, қолганига эса биогумус ишлатилади. Гектарига 2,5-3 тонна биогумус солинади. Бизнинг ориқ ерларимизга гектарига ўн тоннадан биогумус зарур. Биогумусда ҳид бўлмайди Чорва моллари, балиқларга озуқа сифатида ишлатса ҳам бўлади.

Болтабой аканинг фермер хўжалигида яна бир янгилик бор. У қулупнай ҳам етиштиради. Нима бўпти, дейсизми? Бу хоразмликлар учун янгилик. Негаки, Хоразмнинг шўрланган тупроғида, иқлим шароитида қулупнай етиштириб бўлмайди, деб қарашади. Лекин етиштирса бўларкан, у Россияга сафар қилганида бир кичкина бозорчада савдо қилаётган рус аёлидан 11 туп қулупнай кўчатини олиб келди. Оддий эмас «Америка» навидан. Орадан 7-8 йил ўтиб, 2 гектарлик қулупнай даласи пайдо бўлди. Афсуски, сувсизлик бир қисмига зиён етказди. Аммо фермернинг ҳамияти тушмади. Қулупнай даласини кенгайтиряпти, унга биогумуснинг фойдаси катта бўляпти.

— Қулупнай пишганида келсангиз кўрасиз. Ҳар бири муштдай келади —, дейди Болтабой ака. — Унинг мураббосини тайёрлаб сотишни мўлжаллаяпман. Халқимизда қулупнай экилган уйга табибнинг кераги йўқ, дейишади. У 25 хил касалликка шифо бўлади. Қулупнай билан «Ташаббус» танловига қатнашиш ниятим бор. Унда ғолиб чиқишга ишончим комил. Биогумусни фермер хўжалигимизда самарали қўллаяпмиз. Унга харидорлар ҳам кўп. Биогумус туфайли ҳосилимиз мўл бўлади. Бу эса даромад дегани. Режаларимиз ҳам кўп. Ҳозир иккита тракторимиз бор. «Қозоғистон» русумли трактор сотиб олмоқчимиз. 50 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурмоқчимиз.

Хонқа туманидаги бу фермер хўжалигидан қайтар эканмиз, қилинаётган ишлардан кўнглимиз тўлди. Бир дунё орзулар билан яшаб, интилиб, меҳнат қилаётган Болтабой акага ҳавас қилдик. Бундай фермерлар бор экан, юртимиз келажаги янада порлоқ, халқимиз турмуши эса фаровон бўлаверади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабарлар оқимидан

## Жиззахликлар маррага етди

**Жиззах вилоят ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 268 минг 900 тоннадан зиёд дон топшириб, шартнома режасини уддалашди. Дўстлик, Пахтакор ва Мирзачўл туманларида ҳосилдорлик 44-49 центнердан ошди. Фермерчилик ҳаракатига катта имкониятлар яратилгани, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани муваффақиятнинг асосий омили бўлди. Кўплаб фермер хўжаликларининг чўл шароитида ҳар гектар майдондан олинадиган донни 65-70 центнерга етказгани фикримизнинг далилидир.**



**Вилоятда ўрим-йиғим давом этмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш чора-тадбирлари белгиланмоқда.**

## Ташаббус

**Дўстлик тумани оқсоқоллари далаларда мўл ғалла ҳосили етиштирилганини инобатга олиб, боқувчисини йўқотган, кам даромадли отахон ва онахонларга, ногиронларга ғалла тарқатиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Фермерлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди. «Қорасув», «Пахтакор», «Элчи ота», «Ал-Самарқанд», «Мирвоҳид» каби 60-65 центнерчи фермерлар ёрдамга муҳтож 715 та оилага 600 тоннадан зиёд ғалла тарқатди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Санам»нинг сарварлари

**Қашқадарёда довруғи достон бўлган “Санам” корхонасида сўнгги пайтларда хомашё танқислиги баҳонасида ишлар анча оқсоқланиб қолган эди. Ҳукуматимизнинг мамлакатимиз бозорларини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадидаги бир қатор чора-тадбирлари “Санам” ишининг жонланишига ҳам сабаб бўлди. Бир вақтлар салкам минг нафар киши ишлайдиган корхонада 150 нафаргина фидойи қолган эди. Ҳозир корхона раҳбари Х. Ражабов барча чеварларни қайта корхонага таклиф этди. “Санам” сарварлари тикаётган эркаклар кўйлаклари, спорт кийимларига талаб кучайди. Бугунги кунда корхонанинг ўз харидорлари бор.**

**“Туркистон-пресс”.**

*Деҳқоннинг ижодкорлигидан-да зиёда савобли ва сеҳрли санъат бормикин бу дунёда?*
*Деҳқоннинг қалами — кетмон. Дафтари — дала. Илҳоми — меҳнат. Хирмони — элнинг ризқ-насибаси.*
*Деҳқончилик маданияти деган тушунча ҳам, аввало, деҳқоннинг фаҳму фаросатидан униб чиққан кашфиёт.*

Халқ ижодкорлиги

# Халтанинг ичида ва томнинг устидаги деҳқончилик

Сафар Йўлдошев деган деҳқон ўтди, Қумқўрғонда. Даладаги трактор ғилдирагидан кўтарилган чангнинг рангига, қуюқлигига қараб, ҳафта давомида об-ҳавонинг қандай келишини айтиб бера оларди у.

Сурхондарёнинг айрим қишлоқларида буғдойни, умуман, донни «Мардон» деган идишда сақлашади. Мардон қамишдан худди каттакон қопқанорга ўхшатиб, бўйрасифат қилиб тўқилади. Унда сақланган донга мита тушмайди. Тунги чумоли, қумурсқа айланмайди. Намиқмайди. Қанча сақланса ҳам, бузилмасдан тураверади.

Яқинда Ўроқ Жалолов исмли танишим билан гаплашиб қолдим. «Жўякка кунжут экиб қўйсангиз, полизнинг палагига ҳашарот тушмайди», деб қолди у. Синовимиз унинг гапи тўғрилигини кўрсатди.

Яна бир суҳбат диққатимизни тортди. Суҳбатбоши — Эсон Мардонов. Ангордан. Рус тили ўқитувчиси. Лекин деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Бир туп помидор, ё кунгабоқар, ёки ғўза бир йилда қанча сув ичади, қанча иссиқлик талаб қилмоғи керак — бунақа гапларни Мардонов беш қўлдай билади.

Эсон ака бу гал антиқа гап айтди: «Халтанинг ичида ва томнинг устида деҳқончилик қилаяпман». Ва ажабсиниб қараганимизни сезиб, изоҳ берди: полиэтилен халтага ўттиз килограммча тупроқ солинади. Кейин у меъёрдаги органик ўғит билан аралаштирилади. Суғорилгандан сўнг тупроқ оби-тобига келгач, унга уруғ экилади.

Бу усулнинг не зарурати-ю не афзаллиги бор?

Халтанинг ичидаги тупроқда ўсган бодринг палагини томчи сув билан ҳам суғорса бўлади. Демак, оқар сув йўқ жойларда бу усул ўзини оқлайди. Бундан ташқари, халтани соядан офтобга ёки бўлмаса, офтобдан сояга тортиш мумкин. Бу ҳол ўз навбатида ўсимликнинг меъёрий ҳарорат ва намлик олишини таъминлайди. Айниқса, ҳар қаричи ўлчовда бўлган тор ҳовлилар учун у жуда қўл келади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, зараркунанда ҳашаротга қарши заҳарли дори сепиб, ўзингизнинг ҳам, табиатнинг ҳам асабига тегиб ўтирмайсиз. Халтанинг бўғзини саноқли дақиқалар давомида боғлаб қўясиз, вассалом, нафаси қисилган ҳашарот нобуд бўлади-қўяди. Қолаверса, экинни бемаврид аёз-совуқлардан асраб қолиш ҳам осон бўлади.

Халта ичидаги деҳқончиликни кенг далаларда жорий этиш ғайри- табиий бўлар, албатта. Бироқ томорқа деҳқончилигида, ҳовли шароитида ва юқорида айтганимиздек, оқар сув танқис минтақаларда бу усул айни муддаодир.

Эндиги гап — том устидаги деҳқончилик ҳақида.

Ошқовоқ деган экин бор. Сурхондарёда уни «Кади» ёки «Ошкади» деб аташади. Полиз экинлари турига кирувчи «Ошкади» парҳезбоплиги ва, айниқса, инсулин безига малҳамлиги билан маълум ва машҳур.

Ошкадининг палағи ўта сувхўр. Иссиқталаб. Филнинг қулоғидай келадиган шапалоқ барглари бир кунда эллик литрча сувни ҳавога учириб юбора олади. Ўзиям, қўйиб берсангиз, бир туп палаги икки сотих, уч сотихча ерга ёйилиб кетади. Шунинг учун ҳам ерни кўзи қиймайдиганлар ошкадини томорқаларига экиб ўтирмайдилар.

Эсон Мардонов бўлса бултур ошкадини оғилнинг четига экибди. Уч тупгина ўстириб, палакларни оғилнинг томига қаратиб ўрмалатибди. Палаклар бир яйраб, бир яшнаб ўсибдики, ҳар бир тупи юзтадан қулочга сиғмайдиган ошкади тугиб берибди.

Мана, сизга мўъжиза, зукко деҳқоннинг топқирлиги, ижодкорлиги!

Мардонов эндиликда «Ғаров» деган ўсимликни ўстириш билан шуғулланмоқда.

Ғаров — қамишсифат ўсимлик. Уни «Тошқамиш» ёки «Тошғаров» деб ҳам аташади. Ғуж бўлиб ўсади. Пояси белдаста, кетмондастадай йўғонликда бўлади. Бир йилда пояси олтита газ чўзилади. Бир Қулоч узунликдаги пояси қуригандан сўнг етмиш килограмм оғирликни кўтаради.

Хўш, тошғаров бизга нима учун керак?

— Тошғаровнинг пояси биз, деҳқонлар учун тайёргина кетмондаста, — дейди Мардонов. — Иккинчидан, уйининг томини ёпувчилар учун васса ўрнини босади. Яъни вассаликка ёғоч тополмаганларга текин васса. Йўлини топиб, ғаровдан уйининг полини, шифтини қилиш мумкин. Ғаров қуригандан кейин ҳам ўзидан кислород ажратиб туради. Томи ғаров билан ёпилган уйнинг ҳавоси бирам енгил бўладики...

— Учинчидан, — дея гапини давом эттиради Мардонов, — ғаров гугурт саноати учун энг қулай хомашё. Телевизордан айтишди: мамлакатимизда бир йилда 600 миллион қути гугурт истеъмол қилинар экан. Хомашёнинг, жумладан, гугурт чўпининг етишмаслигиданми, шунча маҳсулотнинг олтидан беш қисми хориждан импорт қилинар экан. Зовур, дала чаккаларида ғаров ўстирсак, уни кўпайтирсак, гугурт саноатимиз учун бу энг қулай, энг арзон хомашё эмасми?

Халтага солинган тупроқда помидор ўстириб, майдагина кўринган иш билан шуғулланаётган, ўзини деҳқон фарзанди деб билган одам — Эсон Мардоновнинг қамровни қанчалар кенг олиб, фикр-мулоҳаза билдиришини кўринг!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ишловчига иш бор

**Наманган шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 300 нафар киши ишга жойлашди.**

**Йил бошидан буён шаҳар меҳнат бўлимига 2669 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, ҳозирга қадар улардан 1738 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. 50 нафари касб эгаллашга йўналтирилди.**

**Шунингдек, 52 нафар ёлғиз яшовчи keксаларга 14 киши ижтимоий ёрдам кўрсатувчи ҳомий сифатида бириктирилди.**

**«Туркистон-пресс».**

## «Тараққиёт»га — тест орқали

**Нукусдаги “Тараққиёт” тил ўрганиш маркази деярли ўн йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Марказ кутубхонаси АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан китоблар, ўқув қуроллари билан таъминланган. ЮНИСЕФ ташкилоти ҳам марказга изчил ёрдам кўрсатиб келмоқда. Йил сайин марказда ўқишни хоҳлаганлар сони ошмоқда. Бу галги қабул тест орқали амалга оширилиб, бир ўринга 10 талабгор тўғри келаётир.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# БИР ЧАЛКАШЛИК АСОРАТИ

***Азал-азалдан шундай: мол-мулк, мерос можароси энг нозик масалалардан ҳисобланади. Уни ҳал этишда йўл қўйилган илк хато кейингиларига доялик қилади. Пировардида баъзан болани отага, укани акага тескари қилиб қўяди, дўсту биродарлар ўртасига жароҳати осонликча битмас нифоқ солади. Бунга қуйидаги воқеа яққол мисол бўла олади***

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 14 августда “Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилади. Унинг 4-бандида амалдаги улгуржи ва майда улгуржи таъминот-савдо ташкилотлари негизида хўжалик ҳисобидаги махсус савдо фирмалари ташкил қилиш, улар зиммасига давлат таъминоти муассасалари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш масалаларини юклаш лозимлигини кўрсатади.

Қарангки, “Намангансавдо” концерни бошқаруви мазкур қарор ижросини таъминлаш асносида жиддий хатоликка йўл қўяди. Аниқроғи, “Югурганники эмас — буюрганники” қабилида иш юритади. 25 август куни шаҳардаги 4-дўконни, ҳе йўқ-бе йўқ, ўзиники чоғлаб, улгуржи таъминот-савдо фирмасига айлантириш хусусида орқаваротдан буйруқ чиқаради. Унинг низомини тасдиқлаб, собиқ дўконнинг ҳуқуқий вориси деб белгилайди. Ҳолбуки, ўша кезлар ушбу шохобча Наманган шаҳар озиқ-овқат моллари савдоси жамоа корхонаси таркибида тугалланмаган баланс билан ишлаб келаётганди. Корхона низомида бирон-бир тармоқни ундан ажратиш умумий йиғилиш қарори асосидагина амалга оширилиши ёзиб қўйилганди.

Бинобарин, концерндагилар жорий тартиб-қоидани унутмасликлари, дўконни фирмага айлантиришдан олдин 600 кишилик жамоа розилигини олишлари шарт эди. Амалда тескариси бўлди. Халқ таъбири билан айтганда, қош қўйиш ўрнига кўз чиқарилди. Энг ачинарлиси, шу пайтгача қозон-товоғи, рўзғори битта ҳисобланган, оға-инилардек аҳил-иноқ ишлаб келаётган ҳамкасблар орасига нифоқ тушди. Ўзаро ҳақ-ҳуқуқ ва мол-мулк талашиш авж олди. Бу борада, айниқса, концерн буйруғини ўзи учун дастак билган, ҳатто таъсис шартномасисиз адлия бошқармасида рўйхатдан ўтиб олган фирма маъмурияти уддабуронлик қилди. Жамоа корхонаси билан ҳисоб-китобни ўрнига қўйиш бир четда қолиб, тезроқ унинг таркибидан чиқиб кетиш пайида бўлди. Бунга собиқ 4-дўкон аҳли гўёки ўз аризасига ва жамоа корхонасининг 1998 йил 21 декабрдаги кенгайтирилган йиғилиши қарорига кўра мустақил ташкилотга айлантирилгани, шу муносабат билан олди-берди юмушларини бажарувчи комиссия тузилгани тўғрисида ўша йили 25 декабрда чиқарилган, лекин ҳеч қандай имзо қўйилмаган, фақатгина тагига “Аслига тўғри” деган жумла битилиб, муҳр босилган 97- ва 98-буйруқлар кўчирмасини асос қилиб кўрсата бошлади.

Аслида-чи?..

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, 21 декабрда бўлган йиғилишда 4-дўконни хусусийлаштириш борасида сўз бормаган, мутлақо бошқа масалалар кўрилган. Мажлис баённомасини ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Иккинчидан, корхонанинг мазкур масала билан шуғулланган собиқ бош ҳисобчиси Ойбек Абдуллаевнинг тушунтириш хатида таъкидланишича, дўкон ходимлари шохобчани хусусийлаштириш юзасидан ариза берганлари рост. Шунга мувофиқ, юқорида тилга олинган буйруқларнинг хомаки матнлари тайёрлангани ҳам тўғри. Бироқ худди шу куни раҳбарият ўзгаргани туфайли улар жамоа аҳли томонидан имзоланмаган. Демакки, қонуний кучга кирмаган. Қолаверса, ҳозирга қадар иккаласининг ҳам асли ҳеч қаерда йўқ. Шундай эса-да, кўчирмалари фирмадагилар қўлига тушиб қолгани ғоят ажабланарли.

“Мен, — деб ёзади корхонанинг собиқ бошлиғи Аҳадхон Раҳматов, — ҳақиқатан ҳам, декабрнинг йигирма бешинчи санасида раисликка сайланганман. Бундан қатъи назар, ажраб чиқиш масаласи жамоа аъзолари иштирокида ҳал этилиши зарурлигини олдиндан яхши билардим. Шу боис ҳали кўпчилик тасдиғидан ўтмаган буйруқларга қўл қўймаганман, қўл қўйишим мумкин ҳам эмасди...”

Коса тагидаги нимкосани сезган бўлсангиз, корхонадагилар 97- ва 98-буйруқлар кўчирмаларини сохта ҳисоблайдилар. Лекин буни исботлагунча кўп елиб-югурадилар. Сабаби — масъул идоралар ходимлари негадир фирмадагилар пеш қилаётган “далиллар” ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслигига, улар эгаллаб турган бино ва асосий воситалар учун мулк солиғини ҳали-ҳануз жамоа корхонаси тўлаб келаётганига эътибор қаратмайдилар. Алҳол, вилоят хўжалик суди дебочасига фирмани ҳақ деб топади. Орадан беш ой ўтгандан сўнггина хатосини тўғрилаб, аввалги ҳал қилув қароридан воз кечади. Вилоят прокуратураси “Намангансавдо”нинг низо туғилишига сабабчи бўлган буйруғига нисбатан эътирознома киритади. Олий хўжалик суди фирманинг кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиради...

Афсуски, ҳаял ўтмай ҳаммаси қайтадан бошланади. Фирма раҳбарияти, таъбир жоиз бўлса, ётиб қолгунча отиб қолишни афзал кўради. 2001 йил кузида вилоят хўжалик судига такроран мурожаат қилиб, дўконни ажратиш бўйича ҳал қилув қарори чиқариб беришни сўрайди. Турган гап, жамоа корхонасидагилар ҳам бўш келишмайди. Қарши даъво-ариза битиб, аслида талабгорнинг ўзи улар таркибида 4-дўкон сифатида фаолият кўрсатиб келганини, 2 миллион 376800 сўмлик қарзи борлигини, агар уни тўласа, ажраб чиқишига монелик кўрсатмасликларини билдиришади. Фирмани тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга оид буйруқларни ноқонуний деб топиш талабини қўйишади. Судья М. Обидов эса фирманинг важларини ўринли ҳисоблаб, ишни унинг фойдасига ҳал этади. Бироқ ҳал қилув қарорининг 2-бандида, даъво талабларидан четга чиқиб, шохобчани ажратишга тааллуқли ҳужжатларни ҳозирлаш ва жамлаш учун жавобгар томонидан ишчи комиссияси тузиб, унинг таркибига даъвогардан икки, вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармасидан бир кишини киритиш вазифасини тайинлайди. Комиссия ўттиз кун ичида мулк таркиби ва нархини, фирма жамоа корхонасига қўшган улушни аниқлаши, дўконни ажратиш тадбирлари режасини, айириш балансини, ҳисоб-китобларни тайёрлаши, тармоқ ихтисослашувини сақлаб қолиш бўйича битим тузиши, сўнгра уларни таъсис ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун вилоят хўжалик судига тақдим этиши лозимлигини кўрсатади. Ана шу зайл иншоотларни хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатлари таркибидан чиқаришга доир ишларни ташкиллаштиришу амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги 366-сонли қарори ила тасдиқланган Низомнинг 5-бандига биноан, Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига топширилганини унутади. Фуқаролик кодексининг 49-моддасини нотўғри талқин этиб, ўзгалар вазифасини ўз гарданига олади. Ушбу ҳолатга ишни апелляция тартибида кўрган вилоят хўжалик судининг судлов ҳайъати ҳам эътибор бермайди, жамоа корхонаси эътирозларини инобатга олмайди. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати эса кассация шикоятини қисман қаноатлантиради. Дастлабки ва апелляция босқичларида қабул қилинган қарорларнинг қарши даъвони оқибатсиз қолдириш борасидаги қисмларини бекор қилиб, алоҳида кўриб чиқиш учун юборади.

Бўлди ажаб ҳангомалар

2002 йил 14 майда иш тағин судья М.Обидовнинг қўлига келиб тушади. Бу сафар у масалага ўзи имзолаган ҳал қилув қарорини маъқуллаш нуқтаи назаридан ёндашади. Вилоят давлат мулки бошқармаси низо бўйича судга бирон-бир даъво билдирмаган, қонунга мувофиқ жавобгар бошқарувчиси тайинланиб, тарафлар ўртасида тақсимлаш баланси тузилмаган бўлса-да, асоссиз равишда ажрим қабул қилади. Бундай можаролар аслида даъво тартибида кўрилиши ва ҳал қилув қарори чиқарилиши даркорлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Умумий қиймати 2 миллион 669783 сўмлик 19 номдаги низоли мол-мулк эндиликда масъулияти чекланган жамият мақомига эришган фирмага тегишли эканлигини белгилаб, унинг низоми ва таъсис шартномасини тасдиқлайди. Бу янгидан вужудга келаётган юридик шахс мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери олиши ва рўйхатдан ўтиши учун асос бўла олишини таъкидлайди. Бир ойдан сўнг шу ҳақда ижро варақаси тўлдириб, уни бажаришни вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда Наманган шаҳар ҳокимлиги гарданига юклайди. Ишни апелляция босқичида кўрган Ю. Далабоев раислигидаги суд ҳайъати йўл қўйилган чалкашликларга ойдинлик киритиб ҳам, лоақал Олий хўжалик судининг қарши даъвони алоҳида кўриб чиқиш тўғрисидаги кўрсатмаси нима учун бажарилмагани билан қизиқиб ҳам ўтирмайди. Билъакс, “Иш бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланган, ажримни бекор қилишга асослар йўқ”, деган тўхтамга келади, тамом-вассалом!

Охир-оқибат Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М.Азимов жорий йил бошида иш бўйича тўпланган ҳужжатларни назорат тартибида ўрганиб чиқади. Алқисса, вилоят хўжалик судининг 2001 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарорини ўзгартириб, унинг 2-бандини ва 2002 йил 14 майдаги ажримни тўлиқ бекор қилиш даркорлиги ҳақида эътирознома киритади. Олий хўжалик суди раёсати масалага янада чуқурроқ назар ташлайди. Натижада эътирознома қайд этилганлардан ташқари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатининг 2002 йил 15 февралдаги қарорининг вилоят суди ҳал қилув қарорининг 2-бандини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, шунингдек, вилоят судининг 2001 йил 7 декабрдаги ва 2002 йил 17 сентябрдаги қарорлари ҳам ноўринлигини аниқлайди. Жорий йил 30 январида уларни бекор қилиб, қолган қисмини ўз кучида қолдиради.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, А. Дўстбобоев раислигидаги ҳайъат низо бўйича иш юритишни тугатиш хусусида ажрим чиқаради. У қабул қилинган санасидан эътиборан қонуний кучга кирганини, устидан шикоят қилиш мумкин эмаслигини эслатиб, ижро ва маълумот учун тегишли ташкилотларга жўнатади. Вилоят давлат мулки бошқармаси шуни назарда тутиб, тўрт ойча бурун собиқ 4-дўконга берилган ордерни ўз кучини йўқотган деб топади. Шаҳар ҳокимлиги “Наманган майда улгуржи таъминот” масъулияти чекланган жамиятининг рўйхатдан ўтказишга доир олдинги қарорини бекор қилиб, жамоа корхонаси унинг ҳуқуқий вориси эканлиги тўғрисида янги қарор чиқаради.

Қарабсизки, собиқ фирма раҳбарияти энди бошқарма ва ҳокимликни судга беради. Судья Ш.Ҳасанов ўн етти кунга қолмай ишни кўриб чиқиб, 20 мартдаги ҳал қилув қарори билан жамият даъвосини қаноатлантиради. Давлат мулки бошқармаси зиммасига собиқ 4-дўконни жамоа корхонаси таркибидан чиқариш билан боғлиқ юмушларни давом эттириш, шу мақсадда комиссия тузиб, 10 апрелга қадар ишни ниҳоясига етказиш мажбуриятини юклайди. Апелляция босқичи суди эса қарши томон — давлат мулки бошқармаси шикоятини кўриб чиқишни роппа-роса қирқ кунга чўзади. Охири уни қаноатлантиришни рад этиб, ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиради...

Очиғи, бу билан биз қонуншунослар ишига аралашмоқчи эмасмиз. Ўзимизча ҳакамлик қилиб, жамоа корхонаси ҳақ, фирма ноҳақ демоқчи ҳам эмасмиз. Негаки, бундай қилишга ваколатимиз йўқ. Фақат ҳаммага аён бир ҳақиқатни афсус-ла эслатишимиз жоиз: аввало, агар “Намангансавдо” концерни ўшанда шошма-шошарлик қилмаганида, ортиқча ғавғо-ю, беҳуда ташвишларга ҳожат қолмасди. Ҳеч қурса, хатосини иссиғида тўғрилаганида, ҳамкасблар салкам олти йилдан буён ўзаро низолашиб юрмасди. Иккинчидан, бундай ишлар юзасидан охирги сўзни, ўзингиз яхши биласиз, қонун бўйича суд айтади. Фақат бунинг битта муҳим шарти бор: улар чиқараётган ҳар бир ҳукм, қарор ва ажрим қонуний асосланган, норозиликларга асло ўрин қолдирмайдиган даражада мукаммал бўлиши лозим. Акс ҳолда, оқибати тайин — одамларнинг судлар ва судьялардан ихлоси қайтади. Ҳаммасиданам ачинарлиси, қонунларга нисбатан ишончи йўқолади.

Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, кетма-кет ҳақли савол туғилади: юқорида баён этилган воқеа негизидаги мулк битта, суд битта, қонун битта-ю, талқин-хулоса нега турлича? Умуман олганда, айнан битта низо судда неча марта кўрилиши, неча йилга чўзилиши мумкин? Тарафлар тоқайгача маҳкамама-маҳкама қатнаб, ҳақ-ҳуқуқ ва мол-мулк талашадилар, тоқайгача ортиқча вақт ва маблағ сарфлашади? Вилоят давлат мулки бошқармаси ва Наманган шаҳар ҳокимлиги ушбу масалага оид қарорларини яна неча бор мажбуран ўзгартиради? Бу кетишда можарога ким, қачон сўнгги нуқта қўяди?..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# ОМАД БИЛИМДОНЛАРГАГИНА КУЛИБ БОҚАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқорида айтдим: бу йилги тест топшириқлари асосан янги саволлардан иборат. Шунинг ўзи ҳам абитуриентларга бир сабоқ бўлиши керак. Қолаверса, бу йил аудиторияларга абитуриентлар қаттиқ текширувдан ўтиб келадилар. Шпаргалкалар, мобил телефонлари олиб қўйилади. Шпаргалка билан қўлга тушган абитуриент устидан баённома тузилиб, тест синовидан чиқариб юборилади. Бир сўз билан айтганда, олий ўқув юртига киришнинг ягона йўли — билим, иқтидор. Абитуриентлар мактаб, лицей ва коллежлар учун чиқарилган дарсликлар, бошқа қўшимча адабиётлар ва ахборот манбаларидаги билим ва маълумотларни чуқур ўзлаштиришлари зарур. Гоҳида ёшларнинг ўқишга кириш ва кира олмасликларини омадга боғлашади. Омад — осмондан тушмайди. Омаднинг калити — билим. Ақлий салоҳиятли ёшлар ўзларига олий таълим эшигини бемалол оча оладилар.

**— Барибир, тест синов усули билан боғлиқ яна бир саволни беришни ўринли деб биламан. Гап шундаки, жамоатчилик орасида тест синовининг бирдан-бир адолатли усул эканлигига ҳамон шубҳаланиб қарайдиганлар бор. Гоҳида, чинакам билимли, иқтидорли ёшларни талабаликка танлаб олиш учун ўша эски — ёзма ва оғзаки кириш имтиҳонлари дуруст эди, деган мулоҳазаларни ҳам эшитиб қоламиз. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Тест синовига шубҳа билан қарашларда асос йўқ. Эски кириш имтиҳонлари усулининг айрим афзалликлари бўлгани билан, лекин у ижтимоий адолатсизлик манбаи ҳам эди. Кириш имтиҳонларида абитуриентнинг билим, иқтидори бир ёқда қолиб кетиб, таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик, ҳатто порахўрлик йўли билан болаларни ўқишга жойлаштириш авж олиб кетар эди. Ўз вақтида бу ярамас ҳолатлар ота-оналар ва софдил кишиларнинг кескин норозиликларига сабаб бўлганлигини катта авлодлар яхши билишади. Охир-оқибатда, мустақиллик йилларида таълим соҳасида туб ислоҳотлар бошланиб, Президентимизнинг таклифи билан бу ислоҳотнинг энг биринчи қадами олий таълим муассасаларига қабулни тест синови усулида ташкил этиш бўлди. Тест жаҳон таълим амалиётида синалган ва фаол ривожланиб келаётган усул. У Ўзбекистонда МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб шахснинг интеллектуал имкониятини холис баҳолайдиган тизим сифатида жорий этилди ва йил сайин такомиллашиб, таълимдан бошқа соҳаларга ҳам татбиқ этилмоқда. Жамиятда ижтимоий адолатни борган сари чуқурроқ қарор топтириш учун кураш кетаётган бир пайтда тест синови усули унинг энг ишончли воситаларидан бири эканлигини бутун халқимиз яхши билади. Тўғри, тест синовини ўтказиш амалиётида, уни ташкил этишда камчиликлар бўлиши мумкин. Бу энди бошқа гап. Бундай камчиликлар кўрсатилса, тест синови усулини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар бўлса, биз уларни эшитишга тайёрмиз.

**— Ҳар қалай, тест синовида камчиликлар ҳам бўлиши мумкинлигини сиз ўзингиз эътироф этаяпсиз? Булар қандай камчиликлар бўлиши мумкин ва уларни ҳал этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Республикамизда тест синови анча ёш соҳа. Шундай экан, муаммолар ҳам учраб туради. Энг жиддий муаммо шуки, тест саволларини тузишга ҳар ким ўзича ёндошади. Гоҳида ўта малакасиз тузилган тест топшириқлари фойдадан кўра зарар келтириши мумкин. Мен, турли соҳаларда амалиётда кенг қўлланилаётган тест синовлари ҳақида гапиряпман. Бу йўналишдаги камчиликларни тузатиш учун Давлат тест маркази томонидан мунтазам таҳлиллар ўтказиб турилади. Келаётган хатлар орасида тест топшириқларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар оз эмас. Бу ҳамкорликлар ўз самарасини беряпти. Ўтган йилги эксперт комиссияси тест топшириқлари сезиларли даражада яхшиланганлигини эътироф этди.

Турли ташкилотларда тест синовини ташкил қилишда ҳам муаммолар юз бераяпти. Ҳолбуки, тест синовини ўтказишнинг ўз тартиб-қоидалари борки, уларга ҳамма жойда амал қилиниши шарт. Масалан, махфийликни сақлаш, натижаларни эълон қилишда синовдан ўтувчининг фамилиясини кўрсатмай, кодни кўрсатиш ва ҳоказо.

Яна бир муаммо — республикамизда тестшунос мутахассисларнинг етишмаслигидир. Ҳолбуки, тест хизмати тобора кенгаймоқда ва ранг-бaранглашмоқда. Шу маънода, айрим педагогик олий ўқув юртларида шундай мутахассисларни етиштирадиган бўлимлар очилса, оқилона қадам бўлур эди. Бу борада бизнинг марказдаги мутахассисларнинг тажрибаси ва малакаларидан ҳам бевосита фойдаланилиши мумкин.

**— Баҳром Маҳмудович, олий ўқув юртларига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш якунлари натижаларини билсак бўладими?**

— Пойтахтдаги ва жойлардаги олий таълим муассасалари қабул комиссияларидан 21 июлда олинган сўнгги якунловчи маълумотларга қараганда, бу йил республика олий таълим даргоҳларига 221654 та абитуриент ҳужжат топширган. Бу анча салмоқли рақам. Шу рақамнинг ўзи олий таълим олишга қизиқиш ёшлар ўртасида кучли эканлигини кўрсатади. Айниқса, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, аграр, тиббиёт, педагогика, кончилик, филология, тарих фанлари каби таълим йўналишларига қизиқиш катта.

Қайси олий таълим муассасаларига абитуриентлар кўпроқ келганлиги хусусида тўхталадиган бўлсак, бу борада 11.184 та абитуриентдан ҳужжат қабул қилган Тошкент давлат педагогика университети, 10.489 нафар абитуриенти бор Самарқанд давлат университети, 10.481 та ҳужжат қабул қилган Термиз давлат университети, 7-8 минг нафардан абитуриент тўплаган Фарғона, Наманган, Қарши, Урганч давлат университетлари пешқадамлик қилди. Қўқон, Жиззах, Навоий, Нукус давлат педагогика институтларида ҳам 5-6 мингдан абитуриент бор. Навоий кончилик институтига ва унинг Олмалиқ ва Зарафшондаги филиалига ҳам 6 мингга яқин абитуриент ҳужжат топширган.

Ўзбекистон Миллий университети (6152 та абитуриент), Тошкент давлат техника университетида (6732 та абитуриент) ҳам танлов жиддий бўлади.

Яна бир маълумот шуки, гарчи энди ташкил этилган бўлса-да, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалига 783 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Бу филиалда ҳам танлов учун имконият катта. Хуллас, такроран бўлса ҳам айтамизки, олий таълим муассасаларига биз тахмин қилган ва кутган даражада кўп минглаб абитуриентлар келди. Қонуният шуки, энг етук билимли, ёрқин иқтидорли ёшлар бу танлов ғолиблари бўлиши аниқ. Шунга қарамасдан, масъулиятли тест синовлари арафасида биз ҳамма абитуриент ёшларимизга муваффақият тилаймиз. Чунки ёшларнинг келажаги олдинда. Улар ўз орзу-мақсадларига эришиш учун барча имкониятларга эга.

**Суҳбатдош:**
**М. САФАРОВ.**

# «Сохта абитуриентлар» сири фош этилди

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда катта пул эвазига ноқонуний тарзда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига чек қўйди. Тадбир давомида 15 нафар киши қўлга олинди. Уларнинг аксарияти Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртларининг билимли талабалари экан.

Жиноий режага кўра, гуруҳ ташкилотчилари томонидан ёлланган талабалар ота-оналари катта миқдорда пул тўлаган абитуриентларнинг ўрнига тест синовларидан ўтишлари лозим бўлган. Тошкент шаҳрида яшовчи Исмоил С. ва Давлатбек Р. гуруҳ ташкилотчилари бўлиб, улар ёлланган олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳар бир абитуриент учун 2 минг АҚШ доллари ваъда қилган. Давлатбек Р. шаҳарнинг турли даҳаларида бир неча уйни ижарага олиб, у ерда сохта абитуриентларнинг имтиҳонларга муттасил тайёрланишини ташкил қилган. Исмоил С. эса уларнинг билим даражасини текшириш билан шуғулланган. Фирибгарлар тест синовларига кириш учун ташқи кўриниши абитуриентларга ўхшаш бўлган талабалардан фойдаланишни режалаштирган. Шунингдек, қонунга хилоф равишда паспортларга ўзгартиришлар киритиш ҳам кўзда тутилган.

Гуруҳ аъзоларини қўлга олиш пайтида 2003 йил учун тест топшириқларининг нусхалари ҳам топилиб, мусодара қилинди. Ушбу ҳолат бўйича МХХ тергов идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилди.

**(ЎзА).**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Саддам Ҳусайннинг танқўриқчиларидан бири қўлга тушди

***Қўлга олиш тадбири сешанба куни тонгда бошланди.***



***«Бир неча одам қўлга олинди. Маълумотларга қараганда, улардан бири Саддам Ҳусайн и қўриқлаш гуруҳи аъзоларидан», — дейди АҚШ армиясининг вакили Жефф Фитцгиббонс.***

***Қўлга туширилган шахснинг исми ошкор қилинмаяпти. Тадбир жиддий отишмаларсиз амалга оширилди.***

BBC

### Фабрикада портлаш

***Хитой жанубидаги мушак ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрикада юз берган портлаш оқибатида 29 одам ҳалок бўлди ва 141 нафарга яқин киши жароҳат олди.***

***Хитойнинг марказий телевидениесининг хабар беришича, портлаш Уангкоу шаҳарчасининг Хебей провинциясида жойлашган фабрикада юз берган. Портлаш пайтида фабрикада нечта одам борлиги аниқлангани йўқ.***

***2002 йилнинг бошидан хавфсизлик тадбирлари кучайтирилганига қарамасдан, мушак ишлаб чиқарувчи фабрикаларда бундай портлашлар тез-тез юз бериб, катта кўнгилсизликларга олиб келмоқда.***

Associated Press

### Греция танкери қумга тиқилиб қолди

***Карачи шаҳрининг маъмурияти Покистон денгиз ҳарбий қўшинлари билан биргаликда қумга ўтириб қолган танкерни қайтариб сувга туширишга уринмоқдалар. Танкер 67,5 тонна нефть олиб кетаётган эди. Tanscam Spirit деб номланган ушбу кема Грецияга тегишлидир.***

***Маҳаллий маъмурият вакилининг сўзларига қараганда, танкер душанба куни кечқурун ўз йўналишидан чиқиб кетиб қумга тиқилиб қолган. Танкердан нефть оқиб чиқиши кузатилмаган.***

Reuters

### Кокаин манзилига етиб бормади

***Испания божхона хизмати ходимлари бир тонна кокаин моддасини ушлаб қолишга муваффақ бўлишди. Ушбу модда ўз катерини ёндириб қочишга уринган наркодаллоллардан олиб қўйилди. Божхоначилар катерни Галлисия ороллари яқинида пайқаб қолишган. Қувишмадан кейин соҳилга яқинлашган жиноятчилар катерни ёқиб юбориб ғойиб бўлишган. Жиноятчилар қўлга тушмасада, бир тонна кокаин манзилига етиб бормади.***

### Жиноятчилар ҳибсга олинди

***Сешанба куни эрталаб Британия полицияси 13 одамни ҳибсга олди. Ушбу шахслар икки йил олдин нигериялик ўсмирнинг ўлдирилишида айбланмоқдалар. Боланинг мурдаси Темза дарёсидан топилган эди.***

***Полициянинг фикрича, қотиллик қандайдир диний маросимни амалга ошириш учун қилинган. Марҳум қотилларнинг ватандоши бўлганлиги аниқланди. Полиция ушбу жиноят юзасидан тергов ишларини бошлади. Жиноятчилар, шунингдек, одамларни сотиш ва ҳужжатларни қалбакилаштиришда ҳам айбланмоқдалар.***

BBC

### АҚШда араб тилида журнал чиқа бошлади

***АҚШда Яқин Шарқ ёшлари учун мўлжалланган журнал чиқа бошлади. Журнал «Hi» номи билан нашр этилмоқда. Уни чоп этишдан мақсад АҚШнинг Афғонистон ва Ироқ давлатларида амалга оширган ҳарбий ҳаракатлари ҳақидаги салбий фикрларни ижобий томонга ўзгартиришдир.***



***Америкача турмуш тарзи, илм, мусиқа ва спорт журналнинг асосий мавзулари ҳисобланади. Вашингтондаги «Magazine Group» хусусий босмахонаси чоп этаётган журнални араб давлатларида сотиш режалаштирилган. Нашрга АҚШ давлат департаменти ҳомийлик қилмоқда.***

BBC

### Филлар учун махсус кийим

***Ҳиндистонда яқин орада фил эгалари ўз жониворларига кўчада юришлари учун махсус нур қайтарувчи кийимлар кийдиришлари лозим бўлади. Мамлакатнинг ёввойи табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти кўчаларда филлар билан боғлиқ фожиалар кўпайиб бораётганлиги сабабли ана шундай ташаббус билан чиқди. Филларнинг ёнбошига кечаси ёруғликни қайтарадиган махсус белгилар осилади, бу эса ҳайдовчиларга жониворларни қоронғуда ҳам кўриш имкониятини яратади.***



***Филларни муҳофаза қилиш дастури директори Анирудда Мукержининг айтишича, бу энг қулай, арзон ва хавфсиз усулдир.***

***Филлар учун махсус кийимнинг нархи ўртача икки доллар бўлиши кутилмоқда.***

Reuters

**Инглиз тилидан Хуршид РАУПОВ таржимаси.**







## 31 август – Қатағон қурбонларини ёдга олиш куни

*Аёл гўзал эди. Ўзи ҳам, хулқи ҳам гўзал, бахти бекам эди. Эндигина йигирма беш ёшга етганда бир чиройли оила бекаси Раҳбарой ажойиб фарзандларнинг онаси эди. Қизлари Виктория билан Лилия гулдеккина эди. Фарзандларининг отаси Мирмуслим эса суюкли хотинининг тилагини жойига қўядиган, одамшаванда, санъатсевар, маданиятли инсон эди.*

# ХАЗОН БЎЛГАН ОИЛА

— Сенга ҳавасимиз келади, ўртоқжон,— дейишарди дугоналари. Лекин у бахт билан бахтсизликнинг оралиғи бир бахялигини билмаган экан.

Ҳеч кутмаганда бошларига тушган шўр савдолардан гарангсиб қолдилар. Раҳбаройнинг суюкли ёри Мирмуслим Шермуҳамедов 1937 йилнинг сентябрь ойида ҳибсга олинди. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, Бутуниттифоқ Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1937 йил 2 июль қарори асосида бутун СССРда бошланган қатағоннинг илк ойларида авахтага ташланганлардан бўлган экан. Шу йилги 51 рақамли қарорда бу операцияни 5 августдан бошлаш кўрсатилган. Жазолаш чоралари олтмишдан ортиқ республика, автоном республика, область ва ўлкани қамраб олмоғи, қай биридан қанча одам жазоланмоғи белгиланган эди. Қарорда ҳатто янги қамоқ лагерлари — ГУЛАГнинг янги зоналари қурилиши, унга кетадиган сарф-харажатларнинг қаердан ва қанча олинажагидан тортиб, қурилиш материаллари учун қанча гектар ўрмон кесилажаги белгиланиб, қаерда қурилажагигача кўрсатилган. Янги қамоқхоналарни қўриқлаш учун захирадаги офицерлардан қанчаси сафарбар этилишигача белгиланган. Бу режалар устида ВКП(б) Марказий Комитети ҳамда Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг неча-неча раҳбарлари бош қотирган. Қарор чиққан заҳоти унинг ижросига киришилган. Мирмуслим Шермуҳамедов биринчи қамалганлардан бўлган.

Ўша чоғларда беш ёшда бўлган қизи Лилия шундай ҳикоя қилади: «Ўша оқшом кўча эшиги қаттиқ тақиллади. Қўрқиб онамнинг пинжига тиқилдим. Ғира-шира қоронғуда турган бештача киши бошдан оёқ қоп-қора либосда эди. Онам «Келинглар», дейишлари билан у кишилар тапир-тупур қилиб, ўзларини ичкарига уришди. Орадан кўп ўтмай, онамнинг йиғламсираган овозини эшитдим. Ётоқдан чиққанимда меҳмонхона ҳувиллаб қолган эди. Югуриб кўчага чиқсам онам йиғлаяпти, дадам эса қора машина ёнида, одамлар қуршовида турипти. Дадам менга жилмайиб, қўл силкитиб қўйди-да, ёнидаги кишилар қистови билан машинага чиқди».

Лилия Тўрабекованинг хотирасида отаси ҳамон айнан шундай жилмайганча қўл силкитиб туради.

ИИХ Комиссарлигининг ички турмасига қамалган Мирмуслим Шермуҳамедовнинг ҳар бир куни сўроқ ҳамда юзлаштиришлар билан ўта бошлайди. Дастлабки терговда у кетма-кет берилган саволга жавоб қайтараркан, 1926 йилда Самарқанд шаҳри партия ташкилотига ишга юборилгани, Самарқанд округ партия ташкилоти саркотиби қилиб кўтарилганини айтади. 1928 йилдан бошлаб, «Миллий истиқлол» уюшмасига аъзо бўлганини тан олади. Неча-неча гувоҳлар тергови, маҳкумни улар билан юзлаштиришлар бўлиб ўтган. У ҳақда маълумот олиш мақсадида Ўзбекистон тамаки савдоси бошқармаси бошлиғи Жаҳон Обидовани сўроқ қилганлар. У Шермуҳамедовни 1925 йилдан буён танишини, хизмат қилиш жараёнида унинг советларга қарши фаолиятини асло сезмаганлигини айтади.

Қатор терговлардан сўнг Мирмуслим Шермуҳамедовга доир ишни кўриб чиқиш учун СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясига йўлланади. Кейинги терговлар Москва шаҳрида бўлиб ўтади. Бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг 27 апрелида Москва шаҳрида ҳарбий юрист Милянский раислигида, ҳарбий юрист Преображенцев ва Романичев аъзолигида 3-ранг ҳарбий юрист Юдина саркотиблигида СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг ёпиқ суд мажлиси бўлиб ўтган. Унда Ўзбекистон ССР КП(б) Марказий Қўмитаси бюроси аъзоси, Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Мирмуслим Шермуҳамедовни РСФСР Жиноят Мажмуасининг бир қатор моддалари билан айблашга доир судлов иши кўрилди. Бу дегани, шу бир судланувчига ҳокимиятни заифлаштириш, террор, қўпорувчилик каби қатор гуноҳ тақалган.

Ҳужжатларда қайд этилишича, олиб борилган суд тергови Шермуҳамедовнинг 1928 йилдан буёғига Ўзбекистонда фаолият олиб борган ва ўз олдига Совет ҳокимиятини ағдаришни вазифа қилиб қўйган аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида иш юритганлиги аниқланганлигини таъкидлайди. Тергов ишида шунингдек, бу миллий ташкилот ўнг троцкийчилар билан ҳамкорликда иш юритганлиги, мақсадларига эришмоқ йўлида зараркунандалик, қўпорувчилик, жосуслик, исён кўтаришга ҳозирлик кўриш билан шуғулланганлиги кўрсатилади. Шахсан Шермуҳамедовнинг ўзи ҳам исёнчи гуруҳларни тайёрлаганлиги таъкидланади. Ҳа, Шермуҳамедовга тақалган айблар ниҳоятда оғир эди. Уни Ўзбекистонда ташкил топган «Миллий истиқлол» аксилинқилобий уюшмасига аъзоликда ҳамда саккиз йил мобайнида Ўзбекистонни Совет ҳокимиятидан ажратиб олиб, мустақил буржуа давлати қуриш йўлида фаоллик кўрсатганликда айбладилар.

Мирмуслим Шермуҳамедов «Бошга тушганни кўз кўрар» қабилида шўро ҳокимияти бошига солган жабру жафою зулмларни керагидан ҳам ортиқ — 1938 йилнинг 27 апрелида отувга ҳукм этилгунга қадар роса тортди. Шундай қилиб Мирмуслим Шермуҳамедов 39 ёшида қатл этилди. Лекин у бошига тушган бошқа шўр савдоларнинг кўпидан бехабар кетди.

Гап шундаки, М.Шермуҳамедовнинг қамалганига энди икки ой бўлганда унинг рафиқаси Раҳбар Шермуҳамедовани ҳам ўша йилларда янги пайдо бўлган қонун — «Член семьи врага народа», яъни ЧСВН деб номланган банд билан қамаганлар. Ҳужжатларнинг далолат беришича, Раҳбар Шермуҳамедовани қамоққа олишга 1937 йилнинг 29 сентябрида Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ комиссари майор Загвоздин розилик берган. Ўша 1937 йилнинг 2 декабрида чиқарилган айблов хулосасида Раҳбар Шермуҳамедова Мирмуслим Шермуҳамедовнинг хотини бўлганлиги сабабли ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 68-моддаси билан айбланиши кўрсатилган. Яна эрининг халқ душманлари билан алоқасидан хабардор бўла туриб, уни яширганликда ва шу билан унга кўмаклашганликда айблаб, ишини кўриб чиқиш учун СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг алоҳида кенгашига йўллаш ҳақида қарор чиқарилган.

М. Шермуҳамедовнинг 7, 5 ёшдаги қизалоқлари Қозоғистондаги етимхоналардан бирига жўнатилган. Ота-она қамоқда, фарзандлар етимхонада. Бахти бекам оиланинг бу икки гулдай қизи ота-она дийдорига зор-интизор ўсишган. Булар бари мустабид тузумнинг мустамлака юрт фуқароси бошига солган жабр-зулмлари бўлган.

«Қирқ йилда бўлса ҳам ҳақ жойга қарор топар», деган нақл бор халқимизда. Қирқ йил эмас, ўн тўққиз йил деганда Раҳбар Шермуҳамедовани 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилиш ҳақидаги 1938 йил 10 июлдаги суд қарори 1957 йилнинг 27 сенябрида қайта кўрилиб, унинг ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги учун оқланди. Ўтган у йиллар даҳшатини Раҳбар Шермуҳамедова ёши тўқсонга бориб ҳаётдан кўз юмгунга қадар асло унутмади. Беш йил мобайнида юртидан йироқда қамоқда, фарзандлари тақдирини билолмай чеккан оҳу зорлари, қамоқ муддатини ўтаб қайтгач, болаларини излаб, дарбадар кезганлари ва ниҳоят Қозоғистондан топиб келтирганлари. Болаларини бағрига олганидан кейин эса борай деса бошпана йўқ, қийналганлари... Тузумнинг ўз фуқаросига ўтказган жабрларини унутиб бўларканми?.. Лекин Раҳбар Шермуҳамедова қамоқдан қайтиб келгандан сўнг ҳам шўр савдолар бу оилани узоқ таъқиб этди. Етимхонада ўсиб, вояга етган қизлар мактабни тугаллаб, институтга кирар чоғларида оталари халқ душмани бўлганини уларга эслатдилар.

Лилияга мандат комиссиясида халқ душманининг фарзандини ўқишга олмасликларини айтишди. Унинг хўрлиги келди, ўзини тутолмади.

— Отамдан беш ёшимда етим қолганман, онам ҳам қамалиб, давлат паноҳида — етимхонада ўсганман. Мен халқ душманининг эмас, халқнинг фарзандиман! — Шундай дедию ҳужжатларини қайтариб олиб, политехника институтидан чиқди-кетди. Бундай таъқиблардан у оила қуриб, фамилияси ўзгариб, Лилия Тўрабекова бўлгачгина қутилди. Унинг опаси Виктория неча йиллардирки, шафқат ҳамшираси, икки қиз ва уч неваранинг суюк онахони. Лилия Тўрабекова эндиликда отасини қўмсаганда қизи ва невараси Зулфизар билан «Шаҳидлар хотираси» мажмуи, унга ёндош истиқлол йўлида шаҳид кетганлар музейига бориб, юраги ҳовурини босган бўлади. Бу музейда унинг отаси Мирмуслим Шермуҳамедовнинг ҳамда онаси Раҳбаройнинг суратлари бор. У музейдаги мустақиллик йўлида курашиб, қатл этилганларни хотирлайди. Юртимизда юз очаётган янгиликларни кўриб қувонади, мустақилликка боқийлик тилайди.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## Тадқиқотлар учун грантлар

**Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази шу йилнинг 29 августига қадар давлат грантлари учун 33 ёшгача бўлган олимларнинг илмий лойиҳаларини қабул қилади. Бундан мақсад илмий-техникавий дастурларни шакллантириш ва рўёбга чиқаришдир.**

**Танловда ғолиб чиққан лойиҳалар 2004 йилнинг 1 июлидан молиялаштирила бошланади.**

**«Туркистон-пресс».**

## Кеп қолинг, Швейцария соатлари

**Швейцария соатлари нафақат Европада, балки ер юзида маълуму машҳур. Пойтахт аҳли ва меҳмонлари донғи кетган Швейцария соатларини шу ернинг ўзида харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бунга яқинда пойтахтимизда очилган «CHRONOS» дўкони имкон яратди. Бу «SWISS WANCHES»дан кейин юртимизда фаолият юритаётган иккинчи соат дўконидир.**

**М. ТОЖИЕВА.**


ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ

**МОЛИЯЧИ БИЗНЕС МАКТАБИ**

**2003/2004 ўқув йили учун танлов асосида «Солиқ ва солиққа тортиш» ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассисликлари бўйича 11-синфни битирган ёшларни**

**ўқишга таклиф этади.**



Ўқиш муддати кундузги бўлимда — 2 йил, сиртқи бўлимда — 2 йилу 8 ой. Дарсларни Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқаришдан таклиф этилган етакчи мутахассислар олиб борадилар.

Якуний давлат аттестациясидан ўтган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълимнинг тегишли даражасини белгиловчи давлат намунасидаги диплом берилади.

***Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:***

- ***директор номига ариза;***
- ***11-синфни битирганлиги ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси);***
- ***3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;***
- ***яшаш жойидан маълумотнома;***
- ***086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;***
- ***паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.***

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00дан 16.00гача қабул қилинади. Қабул 2003 йил 5августдан бошланади.

**Манзил:** 700095, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Чимбой кўчаси, 2-уй, 1-қават *(Абдулла Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти қаршисида,46-АТС биноси орқасида).*
**Телефон:** 46-58-32.
**Транспортлар:** 10, 14, 88-автобуслар, 2-троллейбус *(«Нукус» кинотеатри бекати)*, 34, 87, 90, 76-автобуслар, 2, 4, 8, 20-троллейбуслар *(«Талабалар шаҳарчаси» бекати).*

7683Р/1571



*Муҳтарам юртдошлар!*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

**«ХАЛҚ БАНКИ»**



**республикамиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб янги «Орзу» — қисқа муддатли, ютуқли омонат турини таклиф этади.**

***Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга қабул қилинади. Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1 000 000 сўмгача бўлган ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.***

***«Орзу» омонатига пул маблағлари шу йилнинг 1 октябрига қадар «Халқ банки»нинг барча филиал ва шохобчалари орқали қабул қилинади.***

**«Халқ банки» — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир!**

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички тел.: 126, 111, 109).

7681Р/1162



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**







Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Дилбар Суюновага отаси

**Жолдасбай СУЮНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижхизмат» бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Татьяна Князькинага онаси

**Зинаида КАЙРАНБЕКОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси

**Машраб БОБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси жамоаси Жиззах вилояти «Жиззах-тибтехника» масъулияти чекланган жамияти директори Б. Умаровга волидаи муҳтарамаси

**ЗАЙНАБ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри жамоаси ёзувчи, драматург

**Машраб БОБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси, профессор Исмоил Саифназаровга опаси

**УМСАНАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика Телекўрсатув маркази жамоаси кадрлар бўлими мутахассиси Гулнора Зокировага отаси

**Рим НОДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон**
**УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ**
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ**
(масъул котиб — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 608,
22990 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **А. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Навбатчи — **Х. ЭШМАНОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 2 3 4 5 6